

КИМЁ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Юсупов Н.

Андижон вилояти ХТХҚТМОҲМ “Аниқ ва табиий фанлар методикаси” кафедраси
катта ўқитувчиси

Курбонова Н.С.

Андижон вилояти Андижон шаҳар 6-сон умумий ўрта таълим мактаби кимё фани
ўқитувчиси

Мамлакатимизда амалдаги узлуксиз таълим жараёни ва унга бўлаётган эътибор нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Ўзбекистоннинг 2021 йилда таълим сифатини баҳолаш халқаро дастурлари (PISA, PIRLS, TIMSS)да иштирок этишига тайёргарлик кўриш жараёнларининг бошланганлиги ва тадбирларнинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш борасидаги ишлар таълим сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бирidir.

Узлуксиз таълимни амалга оширишда малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсад қилиб қўйилар экан, бу борада таълимнинг барча турларига ўзига хос масъулият билан қарамоқлик ҳар бир педагогнинг бурчи саналади. Узлуксиз таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда умумий ўрта таълимга алоҳида эътибор талаб қилинади. Бу ишни амалга ошириш кўпроқ мактаб таълими ва ўқитувчиларнинг зиммасига тушади. Комил шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришда инновацион технологиялар билан бир қаторда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали интеллектуал имкониятларини ишга солинади. Кимё фанидан дарсларни ташкил қилинишида педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг фаоллиги таъминланибгина қолмасдан, ўқув-билув жараёнида самарадорликка эришилилади. “Зинама зина”, “SWOT таҳлил” “Балиқ скелети” каби методикалар дарс жараёнида ўқитувчи-ўқувчи муносабатларидагина эмас, ўқувчи-ўқувчи муносабатида ҳам ижобий натижани кафолатлайди. Кимё дарслари мисолида “SWOT таҳлил” технологиясидан фойдаланиш воситасида ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яқка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиради. Бу технология ўқувчилар билан бир гуруҳ ичида яқка ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдирот қилинади. Ушбу метод ўқувчиларни эркин, мустақил, мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга ўргатишмақсадини ўз олдига қўяди.

Қуйидаги мавзу доирасида “SWOT таҳлил” методини қўриб чиқсак: “Тўйинган углеводородлар” мавзуси Ўтказиш тартиби: 1. Ўқитувчи ўқувчиларни 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади; 2. Ўқувчилар машғулот мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади; 3. Ҳар бир гуруҳга “SWOT” таҳлил жадвали акс эттирилган варақлар тарқатилади; 4. Ўқитувчи гуруҳ аъзоларини тарқатма материалда ёзилган мавзу билан танишишларини ва шу мавзу асосидаги фикрларини қоғоздаги бўш жойларга жамоа билан биргаликда ўртоқлашиб ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди; 5. Гуруҳ аъзолари биргаликда тарқатма материалда берилган мавзу асосида маълумотларни ёзма кўринишида ифода этадилар. Бунда гуруҳ

аъзолари ҳар бир қисм бўйича имкон борида тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади; 6. Тарқатма материаллар тўлдирилгач гуруҳ, аъзоларидан бир киши тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган материал албатта синф доскасига илинади; 7. Қарама-қарши гуруҳлар ўзаро фикр алмашишади. 8. Ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ беради; 9. Ўқувчиларнинг ишини баҳолайди ва машғулоти яқинлайди; “Ортиқча сўзни топ” дидактик ўйини орқали эса, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш мумкин.

Power Point тақдимот дастури асосида ўқитувчи томонидан янги мавзуга оид бўлган ва бўлмаган тушунчалар тизими шакллантирилади. Тақдимот намойиши чоғида ўқувчилар ортиқча сўзни топиб, изоҳ бериб боришлари кераклиги уқтирилади. Бундай кўринишдаги замонавий дарсларнинг ташкил қилинишида қуйидаги кўринишдаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- ахборот технологиялар ва янги технологиядан турли фанларда фойдаланишни йўлга қўйиш ва рағбатлантириш;
- мактабларда замонавий технологияни акс эттирувчи бурчаклар ёки кўргазмалар ташкил қилиш;

Педагогларнинг дарс машғулоти давомида компютер технологияларидан фойдаланиши натижасида қуйидагилар амалга ошади: -янги ўқув материали ўқувчига тез ва осон етиб боради; -интернетдан айнан бугунги мавзуга тегишли материалларни олиш имконияти юзага келади;(Бу ҳолда, интернетдан фойдаланишда ҳар хил таҳдидли, спам маълумотларга танқидий муносабатда бўлиш ўқувчиларга тушунтирилиш шарт!) -дарснинг мақсадларига эришиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўз устида ишлаш кўникмалари ривожланади.

Демак, дарсларда мултимедиа воситаларидан фойдаланишнинг афзалликлари сифатида таълим-тарбия жараёнини жадаллашуви, ўқувчиларнинг интеллектини ривожлантиришга қаратилган услубларни қўллашга имконият берилишини эътироф этиш мумкин. Шундай кўринишдаги дарсларни ташкил қилиш асосида визуал информацияларга юқори даражада талабгор бўлган ўқувчиларининг хоҳиши амалга ошади, машғулоти зерикарли кўринишдан мазмунан бой ва таъсирчан дарсга айланади, кўргазмалиликнинг амалга ошириш натижасида диққат ва янги мавзунинг хотирада узок муддатга сақланиб қолиши таъминланади. Ўқувчиларнинг ахборот олишга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиши учун шарт-шароитлар яратилади. Дарсни мазмунли ўтишига тайёргарлик кўрилиши натижасида эса, ўқитувчининг ижодкорлиги ва замонавий билимларни ўрганишга бўлган иштиёқи ривожланади. Ахборотлар оқими шиддат билан оқиб келаётган бир шароитда болаларнинг онгини ва билишга, ўрганишга бўлган интилишлари муносиб баҳоланади.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. О.А.Неиланд “Органическая химия” Москва, Высшая школа, 1990.
2. Маматова Ш.Б., Ибрагимова К.И., Содиқов М.Қ. Виналацетатнинг гетероген катализитик синтези» Фан,
3. Тараққиёт ва Ёшлар илмий-амал. конф.Қарши.2011.